

НОРМА РАҚОБАТИ ВА ЖИНОЯТЛАР МАЖМУИНИ ФАРҚЛАШ: УЧ САВОЛ АЛГОРИТМИ ВА ДИНАМИК КВАЛИФИКАЦИЯ МОДЕЛИ

Алтиев Раззоқ Саидович

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминология ва
коррупцияга қарши курашиш шўъбаси профессори в.б.,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ORCID: 0000-0001-5613-4532. E-mail: razzoq.lawyer@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21918639>

Аннотация. Тезисда битта қилмиш бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ жиноят-ҳуқуқий нормага тушганда юзага келадиган норма рақобати ҳамда жиноятлар мажмуини фарқлаш муаммоси таҳлил этилади. Беш ҳуқуқий анъана қиёси, Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сон қарори ва 174 та суд ҳужжатидан иборат эмпирик реестр асосида муаллиф рақобат, мажму, такрорийлик ва давомли жиноят чегарасини аниқлайдиган уч савол алгоритмини ҳамда квалификациянинг динамик моделини таклиф этади.

Калит сўзлар: норма рақобати; жиноятлар мажмуи; умумий ва махсус норма; давомли жиноят; такрорийлик; ортиқча квалификация; этишмовчи квалификация; динамик квалификация модели.

1. Муаммонинг қўйилиши

Квалификация назариясида бир-бирига қарама-қарши натижа берувчи икки ҳолат мавжуд. Биринчиси — норма рақобати: битта қилмиш бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ нормага тушади, лекин қўлланилиши лозим бўлган норма фақат биттадир. Иккинчиси — жиноятлар мажмуи: бир неча мустақил жиноят содир этилади ва уларнинг ҳар бири алоҳида квалификация талаб қилади. Икки ҳолат ўртасидаги чегара жиноятлар сонини, демак айб ҳажми ва жазо доирасини белгилайди. Жиноятлар сони — квалификация ва жазони боғловчи «шарнир»: у бир томондан квалификация натижаси (нечта норма қўлланилади), иккинчи томондан жазо асоси (нечта жиноят учун жазо тайинланади). Шу боис рақобат ва мажму ўртасидаги ҳар қандай хато иккиёқлама оқибат беради.

Муаммонинг амалий кескинлигини Олий суднинг чораклик обзорлари кўрсатади. 2022 йилнинг учинчи чорагида кассация тартибида қўрилган ишлар бўйича вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанцияси қарорларидан 821 таси (17,1 фоизи) бекор қилиниб, иш қайта кўришга юборилган, 409 таси (8,5 фоизи) эса ўзгартирилган. 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида 257 нафар шахсга нисбатан (15,6 фоиз) ҳукм бекор қилинган, 120 нафар шахсга нисбатан (7,3 фоиз) ўзгартирилган [1; 2]. Диссертация доирасида шакллантирилган эмпирик реестр бу манзарани миқдорий жиҳатдан аниқлаштиради: реестр 2007–2026 йилларда чиқарилган 174 та суд ҳужжатини қамрайди; юқори инстанция кўриб чиққан 72 та ишнинг 53 тасида (73,6 фоиз) қуйи суд қарори ўзгартирилган, бекор қилинган ёки оқлов билан алмаштирилган; норма рақобати ва мажмуга оид махсус блокка 17 та иш киритилган.

Амалиётда тўрт типик хато такрорланади. Биринчиси — мажмуни такрорийлик ёки давомли жиноят билан аралаштириш. Иккинчиси — умумий ва махсус норма ўртасида нотўғри танлов, бунинг оқибатида ё ортиқча (сунъий кўпайтирилган) мажму

юзага келади, ё зарур квалификация тушиб қолади. Учинчиси — субъектив томон нотўғри аниқлангани сабабли модда қисмларини нотўғри танлаш. Тўртинчиси — идеал мажмуни ягона мураккаб жиноят билан аралаштириш. Ушбу хатоларнинг умумий илдизи битта: «бир неча жиноят» институтининг ички тузилиши — мажму, такрорийлик, рецидив ва давомли жиноят ўртасидаги фарқ — ҳамда норма рақобати доктринаси амалиётда етарлича изчил қўлланилмайди.

2. Қиёсий-ҳуқуқий асос

Рус-постсовет анъанасида норма рақобати доктринаси энг чуқур ишланган. В.Н.Кудрявцев рақобатнинг асосий белгисини мажмудан ажратади: «При конкуренции норм совершено одно преступление (в отличие от совокупности, повторности и рецидива), которое, однако, одновременно содержит признаки двух (или более) уголовно-правовых норм»; умумий ва махсус норма муносабатини у мантикий бўйсунтиш деб таърифлайди ва бундан «при конкуренции общей и специальной нормы должна применяться специальная норма» қоидасини келтириб чиқаради [3]. Е.Б.Кургузкина идеал мажмунинг фарқловчи мезонини беради: «идеальная совокупность преступлений налицо тогда, когда содеянное предусмотрено одновременно двумя нормами, ни одна из которых в отдельности не охватывает всех его признаков» [4]. Л.Д.Гаухман рақобат қоидаларининг иерархиясини шакллантиради: махсус норма умумийдан, махсус субъект нормаси умумийдан, оғирроқ квалификация белгиси енгилроғидан устун туради [5]. В.В.Марчук эса рақобатни ҳал этишнинг мета-тамойилини — икки марта айблашга йўл қўймаслигини — асослайди [6]. Т.Г.Черненко рақобатнинг мустақил тури — «қисм ва бутун» рақобатини ажратиб, ҳал этиш қоидасини аниқ ифодалайди: «применяться должна та норма, которая с наибольшей полнотой охватывает признаки совершенного деяния» [7].

Фарб анъаналарида масала бошқа тушунчалар тизимида ҳал этилган. Немис ҳуқуқи «нормалар тўқнашуви» (Konkurrenzen) институтини кодификация қилган: StGB §52 (Tateinheit — ҳаракат ягоналиги) битта ҳаракат бир нечта жиноят қонунини бузганда фақат битта жазо тайинланишини, §53 (Tatmehrheit — ҳаракат кўплиги) эса умумлашган жазони белгилайди; доктрина сохта тўқнашувни (Gesetzeskonkurrenz) Spezialität, Subsidiarität ва Konsumtion турларига ажратади [8; 9]. Япония Жиноят кодексининг 54-моддаси идеал рақобатни (觀念的競合) бир хил мантиқда ҳал этади: «битта ҳаракат икки ёки ундан ортиқ алоҳида жиноятни ташкил этганда, ёхуд жиноятнинг воситаси ёки натижаси бўлган ҳаракат бошқа жиноятни ташкил этганда, улар учун белгиланган энг оғир жазо қўлланилади» [10]. Англо-америка анъанаси масалани «адолатли тамғалаш» (fair labelling) ва икки марта жавобгарликка тортилмаслик (double jeopardy) тамойиллари орқали ҳал қилади: А.Симестер ва Г.Салливан турли ижтимоий зарарларни битта тамға остида бирлаштиришга қарши чиқиб, бунда қонуннинг коммуникатив функцияси бузилишини кўрсатади [11]. Ислон ҳуқуқида эса шубҳа ҳолида оғир жазодан тийилиш қоидаси (idra'ū 'l-ħudūd bi'l-shubahāt) ортиқча квалификацияга қарши ички тўсиқ вазифасини бажаради ва in dubio pro geo қоидасининг функционал муқобилидир [12].

Беш анъана бир умумий ядрони тасдиқлайди: битта ҳаракат бир неча нормага тушганда, агар битта норма қилмишни тўлиқ қамраса, фақат ўша норма қўлланилади

(рақобат, *lex specialis*); агар ҳеч бир норма якка ҳолда қамрамаса, бир неча норма қўлланилади (идеал мажму). Фарқ техникада: немис ва япон ҳуқуқи буни қонунда кодификация қилган, постсовет доктринаси доктринал даражада ишлаган, ислом ҳуқуқи эса шубҳа қоидаси орқали эҳтиёткорлик қатламини қўшади.

3. Миллий норматив асос ва суд амалиёти

Миллий тизимда мезонларни Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сон қарори беради. Пленум реал мажмуни «икки ва ундан ортиқ, ҳар қайсиси Жиноят кодекси Махсус қисми турли моддаларида (моддаси турли қисмларида) назарда тутилган муайян жиноят таркибини ташкил этувчи, жиноий қилмиш содир этилганда» мавжуд деб белгилайди; идеал мажмуда эса «айбдорнинг битта хатти-ҳаракатида Жиноят кодекси Махсус қисми турли моддаларида (моддаси турли қисмларида) назарда тутилган камида иккита жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлиб, қилмиш ушбу нормалардан бирортаси билан ҳам тўлиқ қамраб олинмайди». Айнан шу ерда Пленум рақобатни мажмудан ажратади: «Қилмиш Жиноят кодексининг бир неча моддаларида кўрсатилган объектга нисбатан содир этилганда (умумий ва махсус норма рақобати) жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмайди ва у махсус норма бўйича квалификация қилиниши лозим» [13].

Тўлиқ қамраб олиш мезонининг амалдаги қўлланилишини кўп эпизодли гиёҳвандлик иши намоиш этади: суд Пленум қарорининг 7-бандига таяниб — «жиноятлар мажмуи содир этилган барча жиноятлар белгилари Жиноят кодексининг оғирроқ жазони назарда тутувчи битта моддаси (моддаси битта қисми) диспозицияси билан қамраб олинган ҳолдагина ЖК битта моддаси (моддаси битта қисми) билан квалификация қилиниши мумкин» — эпизодларни ягона норма доирасида бирлаштирган ва сунъий мажмунинг олдини олган. Тескари йўналишдаги мисолда такрорий кассация инстанцияси наша етиштириш қилмишида мажму версиясининг муҳокама қилинмаганини хато деб топган, яъни зарур квалификацияни тўлдиришни талаб қилган. Учинчи мисолда айбдор ўзи қалбакилаштирган ҳужжатдан фойдалангани алоҳида ЖК 228-моддаси 3-қисми билан баҳоланиши ортиқча квалификация деб топилиб, ушбу қисм айбдан чиқарилган — бу қисм-бутун рақобатининг классик амалий тимсолидир.

Ҳар уч ҳолатда квалификация инстанциядан инстанцияга «версия» сифатида қайта кўриб чиқилган. Айнан шу версияли табиат — квалификациянинг далиллар базаси ривожли билан бирламчи, оралиқ ва якуний версияларга бўлиниши — статик доктрина изоҳлай олмайдиган амалий ҳодисадир.

4. Ечим: динамик модель ва уч савол алгоритми

Муаллиф ечими мавжуд доктринал таклифларни квалификациянинг динамик модели доирасида бирлаштиришга асосланади. Модель асосида рақобат ва мажму ўртасидаги танлов бир мартали статик қарор эмас, балки далиллар базасининг ривожланиши билан қайта кўриб чиқиладиган «квалификация версияси» деб қаралади. Модель уч кетма-кет саволга келтирилади: (1) битта ҳаракат борми ёки бир неча ҳаракатми — бу савол реал мажмуни идеал мажмудан ажратади; (2) ягона қасд борми — бу савол давомли жиноятни такрорийлик ва реал мажмудан ажратади; (3) битта норма қилмишни тўлиқ қамрайдими — бу савол рақобатни идеал мажмудан ажратади. Ушбу

кетма-кетлик Пленум қарорининг 4-, 6- ва 8-бандларини ягона алгоритмга бирлаштиради.

Модель муаллифнинг $K = (L + F + A) / H$ формуласи билан ифодаланади, бунда L — ҳуқуқий мослик, F — фактик асосланганлик, A — субъектив ният ва мақсад, H — қилмишнинг реал ижтимоий хавф даражаси. Формула математик алгоритм эмас, назарий-эвристик моделдир: бир хил формал мослик турли ижтимоий хавф даражасида турлича ҳуқуқий вазнга эга бўлади. Модель ҳам ортиқча квалификацияга (қилмишни зарурдан кўп норма бўйича баҳолаш), ҳам етишмовчи квалификацияга (зарур нормани тушириб қолдириш) қарши иккиёқлама восита бўлиб хизмат қилади; шубҳа ҳолида оғирроқ вариантдан тийилиш қоидаси эса унинг ички кафолатидир.

5. Хулоса ва таклифлар

Биринчидан, норма рақобати қоидасини — умумий ва махсус норма тўқнашганда махсус норма қўлланилишини — Жиноят кодексининг Умумий қисмида бевосита мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ; ҳозирда бу қоида фақат Пленум даражасида берилган. Ушбу таклифнинг амалий ҳаётийлигини Бош прокуратуранинг 2025 йил 16 январдаги далолатномаси тасдиқлайди: тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган квалификация тушунчаси ва нормалар рақобати таърифига оид таклифлардан Жиноят кодекси янги таҳрири лойиҳасининг 116- ва 122-моддалари мазмунини шакллантиришда фойдаланилган.

Иккинчидан, Пленумнинг 13-сон қарорини давомли жиноят ва такрорийликни фарқлашнинг операцион мезонлари билан тўлдириш зарур: қасд бирлигини вақт яқинлиги, ўхшаш усул, бир хил объект ва умумий мақсад орқали исботлаш ҳамда айрим эпизод оғирлаштирувчи белгига эга бўлганда бутун жиноятни шунга мувофиқ квалификация қилиш қоидаси (Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2023 йил 12 декабрдаги 43-сон қарори 4–5-бандлари тажрибаси) амалиётдаги энг кўп учрайдиган хато турининг олдини олади [14].

Учинчидан, идеал мажму ва рақобат чегарасини аниқлашда «фарқли унсурлар ва фарқли ҳимояланган манфаат» тестини услубий тавсияларга киритиш лозим: иккала норма айти бир манфаатни ҳимоя қилса ва бир норма иккинчисини тўлиқ қамраса — рақобат; унсурлар фарқланса ва турли манфаатлар ҳимоя қилинса — идеал мажму. Тест Халқаро жиноят суди Апелляция палатасининг *Prosecutor v. Dominic Ongwen* иши бўйича 2022 йил 15 декабрдаги қарорида қўлланилган ва жиноят объекти таълимотига таянгани боис миллий доктринага табиий сингади [15].

Тўртинчидан, судлар учун уч савол алгоритмини услубий тавсиялар даражасида жорий этиш ҳамда шубҳа ҳолида оғирроқ квалификациядан тийилиш қоидасини процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Якун сифатида таъкидлаш жоизки, норма рақобати ва жиноятлар мажмуини аниқ фарқлаш фақат догматик масала эмас: у муайян ишдаги адолатни, жазонинг мутаносиблигини ҳамда жиноятчилик статистикасининг ҳаққонийлигини бир вақтда таъминлайди. Ортиқча квалификацияда оғир жиноятлар сони сунъий кўпаяди, етишмовчи квалификацияда эса жиддий жиноятлар енгил тоифада яширинади — ҳар икки оғиш Президентнинг 2025 йил 3 январдаги ва 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сон

қарорларида белгиланган манзилли профилактика ресурсларини нотўғри йўналтиради [16; 17].

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2022 йил 28 апрелдаги РС-30-22-сон қарорига илова. 2022 йил биринчи чораги учун кассация инстанцияси суд амалиёти обзори.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг РС-62-22-сон қарорига илова. 2022 йил учинчи чораги учун кассация инстанцияси суд амалиёти обзори.
3. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. — М.: Юристъ, 1999.
4. Кургузкина Е.Б. Проблемы квалификации и назначения наказания при совокупности преступлений: монография.
5. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. — М.: ЮрИнфоР.
6. Марчук В.В. Теория квалификации преступления: монография.
7. Черненко Т.Г. Квалификация преступлений: вопросы теории и практики: монография. — 3-е изд.
8. German Criminal Code (Strafgesetzbuch, StGB): official English translation, §§ 52–55.
9. Bohlander M. Principles of German Criminal Law. — Oxford: Hart Publishing, 2009.
10. Penal Code of Japan: official English translation, Articles 45, 54.
11. Simester A.P., Sullivan G.R. Criminal Law: Theory and Doctrine. — Oxford: Hart Publishing.
12. Reza S. Islamic Criminal Law // The Handbook of Comparative Criminal Law.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сон «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори.
14. Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2023 йил 12 декабрдаги 43-сон қарори, 4–5-бандлар.
15. Prosecutor v. Dominic Ongwen: Халқаро жиноят суди Апелляция палатасининг 2022 йил 15 декабрдаги қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сон қарори.